



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “24 ” mart

Қ-169 -son

Termiz sh.

Термиз тумани “Каттақум” массиви “Учқизил” маҳалласи ҳудудидан “SURXON AL BILOL” МЧЖга енгил конструкцияли “Иссиқхона” ва “АКФА профил қуйиш ҳамда бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бинолари”ни қуриш учун рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/147-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 07 январдаги 03-сон хулосаси, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 31 декабрдаги 01-08/422-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Термиз тумани “Каттақум” массиви “Учқизил” маҳалласи ҳудудидан “SURXON AL BILOL” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 180қ-дала контуридаги жами 4,0 гектар яйлов ер майдони, шундан 3,0 гектари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ва 1,0 гектари “АКФА профил қуйиш ҳамда бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бинолари”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “SURXON AL BILOL” МЧЖ бошлиғи Ф.Ташбадаловга:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. “SURXON AL BILOL” МЧЖ 1,0 гектар яйлов ер майдонига “Акфа профил қуйиш ҳамда бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бинолари” қурилишини амалга ошириши муносабати билан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 13 008 600 (ўн уч миллион саккиз минг олти юз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

7. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов